

Салб юришларида мусулмонлар шифохонасида даволанган француз беморининг отасига ёзган мактуби



03:30 / 11.04.2021 3516

Салб юришларида йиқилиб, майиб бўлиб мусулмонлар шифохонасида даволанган француз беморининг отасига мусулмонлар шифохонаси ҳақида ёзган мактуби ҳозиргача сақланиб қолган экан. Тадқиқотчи Зигрид Хунке хоним ўша мактубдан қуйидаги парчани келтиради:

«Меҳрибон отам, пулга ҳожатинг борми, деб сўрабсан. Сенга хабар бераманки, шифохонадан чиқаётганимда менга янги кийим ва беш бўлак тилло берилади. Хасталикдан янги тuzалган одам ишлаб толиқиб қолмасин, деб шундоқ қилишади. Шунинг учун баъзи чорваларингни сотиб ўтиришинг керак эмас. Лекин мени бу ерда кўрмоқчи бўлсанг тезроқ кел. Мен ҳозир ал-Уртубоди (ортопедия) бўлимидаман. Жарроҳлик хонасига яқин жойда. Бош дарвозадан кирилганда жануб томондаги бино боликилиник (поликлиника) биносидир. Йиқилганимда мени аввал ўша ерга олиб киришди. Ҳар бир бемор аввал ўша ерга киради. У ерда уни табиблар уларнинг ёрдамчилари ва тиб талабалари яхшилаб кўришади. Ким шифохонада доимий муолажага муҳтож бўлмаса унга қоғоз ёзиб

беришади ва у ўша қоғоз ила дорихонадан дори олиб кетади.

Аммо мени кўрганларидан кейин исмимни ёзишди ва бош табибга кўрсатишди. Сўнгра мени ходим йигит эркаклар бўлимига кўтариб олиб келди. Иссиқ ҳаммомга туширди. Янги ва покиза кийим кийгазди.

Келганингда чап томонингда катта кутубхонани ва катта кенг хонани ҳам кўрасан. Ўша ерда бош табиб дарс ўтади. Орқа тарафингга назар солсанг кўзинг аёллар бўлимига олиб борадиган йўлкага тушади. Шунинг учун ўннга қараб юришинг керак бўлади. Келаётиб ички хасталиклар ва жарроҳлик бўлимидан ўтасан. Агар мусиқа ёки қўшиқ эшитиб қолсанг, ичкарига кир, эҳтимол мен ўша ерда, дам олиш хонасида бўламан. Гўзал мусиқа тинглаб маза қилиб ўтирган бўламан.

Бугун эрталаб, одатдагидек. Бош табиб бир тўп ёрдамчилари билан келди. Мени кўрганидан кейин бўлим табибига бир нарсаларни айтиб турди. У ёзди. Мен тушунмадим. У кетгандан кейин табиб менга тушунтириб берди. Энди мен эрталаб туриб шифохонага яқин жойларда юришим мумкин экан. Аллоҳга қасамки, шуни ёқтирмадим. Бу ерда ҳамма нарса ғоят гўзал ва покиза. Каравотлар шундоқ юмшоқки!.. Чойшабларнинг оппоқлигини ва юмшоқлигини айтмайсанми! Шифохонанинг ҳар хонасида сув ажойиб бир ҳолда оқиб турганини кўрасан. Совуқ кечаларда эса ҳар бир хона иситилади. Таомга келсак, қанча мақтасанг ҳам муболаға бўлмайди. Бу ерда товуқ дейсанми, бошқа ҳайвонларнинг гўшти дейсанми, ҳазм қила оладиганларга сероб берилади.

Менинг бир қўшним бир ҳафта давомида оғир хасталигини даъво қилди. Унинг яна бир неча кун товуқ гўштини маза қилиб тановул қилиш иштиёқи бор экан. Аммо бош табиб билиб қолиб, уни кеча уйига жўнатиб юборди. Бир ўзи бутун бошли бир товуқни битта нон билан бир ўтиришда паққос туширган бемор тузалган бўлади, депти.

Шунинг учун отагинам, товуғим куйиб кетмасин, тезроқ кел!»

Ҳа, азизлар, ҳозирги кунда Оврупонинг кашфиёти бўлиб кўринаётган кўпгина нарсалар бизнинг ота-боболаримизнинг қилган ишларидир.

Мусулмон табиблар ҳозирда «касаллик тарихи» деб номланаётган ҳужжатни биринчи бўлиб йўлга қўйганлар. Ҳар бир бемор учун алоҳида дафтар очилар эди. Унга маълумотларни ёзиш беморнинг шифохонага кириш пайтидаги ҳолини васф қилишдан бошланарди. Сўнгра ҳар куни эрталаб табиб уни кўриб содир бўлган ўзгаришларни дафтарга битиб

борар эди.

Менимча, юқоридаги фаранг беморнинг мусулмон шифохоналар ҳақидаги мактуби кифоя қилса керак.

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида

Бобур Муҳаммадий тайёрлади